



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING
QARORI

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

2020 -y “ 04 ” декабр

К-1731 -son

Sho‘rchi t.

“Тумандаги бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 150-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2001 йил 12 апрелда 1025–сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган ҳамда йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларига чораклар бўйича бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига мувофиқ ҳамда туман молия бўлимининг 2020 йил 5 октябр кундаги 01-22-226/20-01-38/384-сонли хатини кўриб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шўрчи туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил 3-чорак харажатлар сметасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

2. Туман молия бўлими (А.Кувондиқов)га 2020 йил 9 ойлик ижросини ижросини сифатли яқунлаш ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик мақсадида, туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар сметасига 1-иловага мувофиқ ўзгариш киритиш топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ж.Норкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Худойберганов